O’ZBEKISTON RESPUBLIKASI
TOSHKENT SHAHAR HOKIMINING
QARORI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
РЕШЕНИЕ
ХОКИМА ГОРОДА ТАШКЕНТА

№ 100 20 31 январь
20___yil «____»_____

Тошкент шаҳридаги давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун 2020 йилда қўлланиладиган ижара тўловининг энг кам ставкалари ҳақида

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, 9-сон, 320-модда) 25-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 февралдаги “Давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5666-сонли Фармони (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 2019 йил 20 февраль), Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги “Давлат мулкини ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 102-сонли қарори (“Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2009 йил, 15-сон, 186-модда), Тошкент шаҳар ҳокимининг 2014 йил 13 январдаги “Ер солиғи тўлаш ставкаси бўйича зона чегараларининг схемаси ва таърифларини тасдиқлаш ҳақида”ги 41-сонли, 2015 йил 24 февралдаги “Ер солиғи тўлаш ставкаси бўйича зона чегараларининг схемаси ва тавсифларини тасдиқлаш ҳақида”ги 162-сонли (“Тошкент Оқшоми”, 2015 йил 26 февраль, 50-сон) қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг 2019 йил 29 декабрдаги 4-8/14-1237-сонли, Молия вазирлигининг 2019 йил 29 декабрдаги 02/07-02-32/2166-сонли, Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2019 йил 29 декабрдаги 1442/01-13-сонли келишувини ҳамда Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2019 йил 30 декабрдаги 1752/03-13-сонли хатини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тошкент шаҳридаги давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун 2020 йилда қўлланиладиган ижара тўловининг энг кам ставкалари 1-иловага;

ADMINISTRATION
TOSHKENT SHAHAR
HOKIMI MAHKAMASI

ижара тўловини (ижара тўловининг таянч ставкасини) ҳисоблаб чиқиш тартиби ва қўлланадиган коэффициентлар 2-иловага;

Тошкент шаҳрининг марказий қатнов кўчалари рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. "Тошкент шаҳар давлат мулкини ижарага бериш маркази" давлат унитар корхонаси (И.Кадиров) давлат мулкини ижарага бериш юзасидан давлат мулкини балансда сақловчи корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар билан аввал тузилган шартномаларни хатловдан ўтказиш, уларни ҳисобга қўйиш ва шартномаларни белгиланган тартибда қайта расмийлаштиришни таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат мулкини ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2009 йил 8 апрелдаги 102-сон қарорининг 3^1-моддасига мувофиқ, давлат мулки бўлган бинолар ва хоналарда жойлашган бюджет ташкилотлари учун ижара тўловининг "ноль" ставкаси қўлланилиши;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 февралдаги "Давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5666-сонли Фармонига асосан давлат кўчмас мулк объектларини ижарага бериш бўйича савдолар "E-IJRO AUKSION" электрон савдо майдончаси орқали амалга оширилиши белгиланганлиги инобатга олинсин.

3. Белгилансинки, давлат мулкини балансида сақловчиларнинг мансабдор шахслари уларнинг тасарруфида бўлган фойдаланилмаётган давлат мулки тўғрисидаги маълумотларни Тошкент шаҳар давлат мулкини ижарага бериш маркази" давлат унитар корхонасига ўз вақтида, тўлиқ ва ишончли берилиши учун шахсан жавоб берадилар.

4. "Тошкент оқшоми" ва "Вечерний Ташкент" газеталари таҳририяти (А.Акромов), Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ахборот ва коммуникация технологияларини ривожлантириш бўлими (П.Халиулин):

мазкур қарор расмий эълон қилиниши ва www.toshkent.uz веб-сайтига жойлаштирилиши таъминлансин.

5. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан Тошкент шаҳар ҳокимининг 2019 йил 11 январдаги "Тошкент шаҳридаги давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун 2019 йилда қўлланиладиган ижара тўловининг энг кам ставкалари ҳақида"ги 35-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

ASLIGA TO'G'RI
TOSHKENT SHAHAR
HOKIMI MAHKAMASI

6. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

7. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ш.Рахмонов зиммасига юклансин.

Тошкент шаҳар ҳокими **Ж.Артикходжаев**

ASLIGA TO'G'RI
TOSHKENT SHAHAR
HOKIMI MAHKAMASI

Тошкент шаҳар ҳокимининг
2020 йил "31" январ даги
100-сон қарорига
1-ИЛОВА

Тошкент шаҳридаги давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун 2020 йилда қўлланиладиган ижара тўловининг энг кам ставкалари

Т/р	Ижарага берилаётган майдонлардан фойдаланиш мақсадлари	Бир йиллик энг кам ставкаси 1 кв.м (сўм)
	Саноат	
1.	Ёқилғи саноати	11 700
2.	Кимё саноати	11 700
3.	Нефт-кимё саноати	11 700
4.	Машинасозлик	11 700
5.	Станоклар ясаш ва асбобсозлик саноати	11 700
6.	Ҳисоблаш техника воситалари саноати	11 700
7.	Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги	9 450
8.	Қурилиш, йўл ва коммунал хўжалик машинасозлиги	9 450
9.	Озиқ-овқат, енгил саноати ва маиший асбоблар машинасозлиги	9 450
10.	Санитар-техник ва газ жиҳозлари маҳсулотларини ишлаб чиқариш	11 700
11.	Металл конструкцияларини ва жиҳозларини ишлаб чиқариш (токарлик хизматлари)	11 700
12.	Машина ва жиҳозларни таъмирлаш	11 700
13.	Машинасозликнинг бошқа тармоқлари	11 700
	Ўрмончилик, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз саноати	
14.	Ёғоч тайёрлаш саноати	11 700
15.	Ёғочни қайта ишлаш саноати	11 700
16.	Целлюлоза-қоғоз саноати	11 700
17	Эшик, ром ясаш (ёғочдан)	37 950
18.	Қурилиш материаллари саноати	11 700
	Енгил саноат	
19.	Тўқимачилик саноати	11 700
20.	Тикувчилик саноати	11 700
21.	Тери, мўйна ва пойабзал саноати	11 700
22.	Енгил саноатнинг бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари	11 700

ASLIGA TO'G'RI
TOSHKENT SHAHAR
HOKIMI MAHKAMASI

Озиқ-овқат саноати		
23.	Озиқ-овқат таъминоти саноати (балиқ, гўшт, ёғ-пишлоқ ва сут саноатидан ташқари)	11 700
24.	Гўшт ва сут саноати	11 700
25.	Баликчилик саноати	11 700
26.	Ун-ёрма саноати	11 700
27.	Омихта ем саноати	9 450
28.	Саноатнинг бошқа тармоқлари	11 700
Саноатнинг бошқа тармоқлари		
29.	Тиббиёт асбоблари саноати	11 700
30.	Полиграфия саноати	37 950
31.	Чойшаб ва матодан тикилган бошқа махсулотларни кимёвий тозалаш, бўяш, ювиш ва қайта ишлов бериш	28 050
32.	Саноатда хўжалик бошқаруви	37 950
Қишлоқ хўжалик		
33.	Ўсимликшунослик (жумладан иссиқхона хўжалиги) 1 га (“га” ўлчов бирлигида)	7 671 450
34.	Чорвачилик ва паррандачилик	9 450
35.	Балиқ етиштириш (шу жумладан сунъий етиштириш хавзалари) 1га. (“га” ўлчов бирлигида)	7 671 450
36.	Асаларичилик 1 га (“га” ўлчов бирлигида)	4 590 000
37.	Ветеринария хизмати	11 700
38.	Қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи бошқа ташкилотлар	11 700
39.	Ўрмон хўжалиги (шу жумладан боғлар) 1 га (“га” ўлчов бирлигида)	7 671 450
Транспорт ва алоқа		
40.	Умумий фойдаланишдаги ер усти темир йўл транспорти	30 600
41.	Транспорт инфраструктураси (автопарк, таксопарк, автомобиллар тўхташ жойи, гаражлар)	30 600
42.	Транспорт инфраструктураси (жарима майдончалари)	7 950
43.	Автомобил ювиш шахобчалари	45 000
44.	Автомобилларга ёқилги қуйиш шахобчалари	47 100
45.	Аҳоли буюртмасига кўра юкларни ташиш ва бошқа транспорт хизматларини кўрсатиш	28 050
46.	Почта алоқаси	25 800
47.	Курьер алоқаси	30 600
48.	Симли электр алоқаси	30 600
49.	Электро –радио – уяли ва пейжинг алоқаси (кенгайтириш белгилари параметри бўйлаб, иншоот ва технологик майдонларни ўз ичига олади)	99 150
Қурилиш		
50.	Қурилиш соҳасида ишлаб чикариш ва хизмат кўрсатиш	23 400

XOLIGA TO'G'RI
TOSHKENT SHAHAR
HOKIMI MAHKAMASI

51.	Лойиҳа, лойиҳа-қидирув ташкилотлари	23 400
52.	Пластик эшик-ром ва мебел ишлаб чиқариш	50 000
Савдо ва умумий овқатланиш		
53.	Улгуржи савдо	47 100
54.	Маълум миқдорда молларни сотиш (хизмат кўрсатиш) фаолиятини олиб борувчи улгуржи бозорлар	113 250
55.	Чакана савдо	70 650
56.	Умумий овқатланиш	47 100
57.	Ярим тайёр озиқ-овқат махсулотларини тайёрлаш ва сотиш (фаст фуд)	45 000
58.	Китоб дўконлари	4 500
59.	Маданий-маиший мақсадларда ва хўжалик мақсадларида ишлатиладиган буюмларни ижарага бериш	47 100
60.	Халқ истеъмоли моллари савдосида воситачилик	70 650
61.	Моддий техник таъминоти ва савдоси	51 750
62.	Информацион-ҳисоблаш хизматлари кўрсатиш	51 750
63.	Интернет ва компьютер тармоғи бўйича хизматлар кўрсатиш	51 750
64.	Кўчмас мулк билан операцияларни амалга ошириш	51 750
65.	Реклама, вакиллик хизматлари	47 100
66.	Маркетинг тадқиқот, тижорат, молия ва бошқарув масалалари бўйича маслаҳат хизматлари	47 100
67.	Ер ости геологияси ва қидирув ишлари, геодезия ва гидрометереология хизмати	70 650
68.	Таҳририят ва нашриётлар	26 250
69.	Металлолом ва иккиламчи хом ашёни йиғиш ва тайёрлаш	26 250
70.	Уй-жой хўжалиги (ХУЖМШ объектлари)	26 250
71.	Меҳмонхона хўжалиги	51 750
72.	Ётоқхона	30 000
73.	Аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг ноишлаб чиқариш турлари	28 500
74.	Сартарошхона, суратхона, модалар ателъеси, пойабзал тузатиш	37 800
75.	Ломбардлар	56 850
76.	Ҳаммомлар	80 550
77.	Сауна ва бассейнлар	164 400
Соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот		
78.	Соғлиқни сақлаш	37 800
79.	Дам олиш ва туризм	37 800
80.	Фитобар	16 350

ASLIGA TO'G'RI
TOSHKENT SHAHAR
HOKIMI MAHKAMASI

81.	Маданий кўнгил очар марказлар (билярдхона, ўйин автоматлари, дискотекалар ва шу кабилар)	51 750
82.	Жисмоний тарбия ва спорт	16 350
83.	Дорихона муассасалари	37 800
84.	Оптика ва тиббиёт жиҳозлари савдо дўконлари	37 500
85.	Ижтимоий дорихоналар муассасаси	26 250
	Маориф	
86.	Юқори ва ўрта таълим бўйича кадрларни тайёрлаш (шу жумладан ўқув курслари)	33 150
87.	Ишчи ва бошқа хизматчиларни тайёрлаш ва малакасини ошириш	23 700
88.	Умумтаълим болалар мактаби (нодавлат таълим муассасалари учун)	13 950
89.	Таълим ўқув муассасаларида умумий овқатланишни ташкиллаштириш	18 150
90.	Мактабгача тарбия (нодавлат таълим муассасалари учун)	11 700
91.	Маданият ва санъат	66 000
92.	Кўргазмалар	31 500
93.	Мактабдан ташқари тарбия	13 950
94.	Маданий ва дам олиш боғлари	33 150
95.	Ботаника ва хайвонот боғлари	33 150
96.	Телевидения ва радио узатиш редакциялари	33 150
97.	Киностудиялар ва овоз ёзиш студиялари	117 750
98.	Илм-фан ва илм-фан хизматлари	23 400
99.	Авто мактаб	40 500
	Молия-кредит фаолияти	
100.	Молия, кредит (суғурталаш ва аудиторлик фаолиятидан ташқари), пенсия таъминоти	47 100
101.	Аудиторлик фаолияти	36 150
102.	Банк фаолияти	70 650
	Фаолиятнинг бошқа турлари	
103.	Суғурталаш	47 100
104.	Ҳуқуқий хизматлар ва суд органлари	33 150
105.	Адвокатлар коллегияси ва ҳуқуқий маслаҳатхоналари адвокатлик тузилмалари фирма ва бюролар	33 150
106.	Жамоат бирлашмалари	11 700
107.	Омборхоналар	47 100
108.	Давлат корхоналари учун офис	23 400
109.	Хусусий ташкилотлар учун офис	80 100
110.	Архивлаш хизматлари	15 000

ASLIGA TO'G'RI
TOSHKENT SHAHAR
HOKIMI MAHKAMASI

111.	Енгил автомобиллар ва бошқа транспорт воситаларини таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш (шу жумладан вулканизациялар)	47 100
112.	Лабораториялар	23 400
113.	Турли хизматлар учун ҳақ олиш (paynet)	117 750
114.	Маданий мерос бино ва иншоотларида чакана савдо	75 450
115.	Маданий мерос бино ва иншоотларида умумий овқатланиш	56 850
116.	Авиакассалар (шу жумладан темир йўл, транспорт ва бошқа)	75 450
117.	Банкоматлар	707 100
118.	Нон ва нон маҳсулотларини ишлаб чиқариш (қандолат махсулотлари, тортлар, пирожное ва бошқалар)	39 250

Изоҳ:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 22 ноябрдаги 02/1-74-сонли топшириғига асосан, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирилиги Савдо бошқармасининг таркибий бўлинмалари, ёпиқ ҳарбий шаҳарчалар, муассасалар ва ҳарбий қисмлар ҳудудидаги давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўловининг "ноль" ставкаси қўлланилади;

Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирининг 2013 йил 12 июндаги 02/02-1-74-сонли топшириғига асосан, Ўзбекистон Республикаси Баскетбол федерациясининг ёзма мурожаатини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги спорт зали ижарага берилишида давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўловининг "ноль" ставкаси қўлланилади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 2 августдаги 02/107-118-сонли топшириғига асосан, 2013 йилнинг 15 июлидан бошлаб "Адолат" социал-демократик партиясининг Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти Кенгашлари ҳамда "Адолат" ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририятларига "Адолат" социал-демократик партияси балансидаги Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, "Шарқ тонги" кўчаси, 23-уй манзилидаги давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўловининг "ноль" ставкаси қўлланилади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 24 июлдаги 02/107-2670-сонли топшириғига асосан, 2014 йилнинг 1 августидан бошлаб "Тадбиркор ва ишбилармонлар ҳаракати" ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши (шу жумладан Миробод тумани Кенгаши) ҳамда "XXI asr" ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририятига ЎзЛиДеП балансида бўлган давлат кўчмас мулкларидан фойдаланганлик учун ижара тўловининг "ноль" ставкаси қўлланилади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 25 февралдаги 18-10-14-7/1694-сонли топшириғига асосан, 2016 йил 1 мартдан Ўзбекситон Ёзувчилар уюшмаси қошидаги "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси таҳририятига Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй манзилида жойлашган давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкаси қўлланилади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 16 октябрдаги "Ёшлар тадбиркорлик кластерларини ташкил этишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги 834-сонли қарорига биноан, Ўзбекистон

ASLIGA TO'G'RI
TOSHKENT SHAHAR
HOKIMI MAHKAMASI

Ёшлар иттифоқи аъзоси бўлган ёш тадбиркорларга Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг Тошкент шаҳар ва туман кенгашларининг тавсияномасига асосан Тошкент шаҳар ҳудуди, шунингдек, кичик саноат зоналари ва эркин иқтисодий зоналарда жойлашган давлат кўчмас мулки 5 йилдан ортиқ бўлмаган муддатга ижара тўловининг "ноль" ставкаси бўйича тақдим этилади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 16 августдаги 14/1-1959-сонли топшириғига асосан, 2018 йилдан эътиборан Олимпиада ўйинлари ғолиб ва совриндорларига спорт фаолиятини сақлаб қолиш шарти билан Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг тақдимномасига биноан давлат кўчмас мулки, шунинингдек, аҳоли зич жойлашган ҳудудлардаги ер участкалари ижара тўловининг "ноль" ставкаси бўйича ажратилади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 1 августдаги 609-20-сонли топшириғига асосан, кейинчалик Мудофаа вазирлигига топшириладиган вазирлик таасаруффида мустақиллик, ўзини ўзи таъминлаш ва ўзини ўзи молиялаштириш тамойиллари асосида фаолият юритувчи давлат унитар корхоналари, шунингдек, Мудофаа вазирлигининг бошқа таркибий тузилмаларига бино ва иншоотлар, ускуналар, мебел ва бошқа мулклардан ижара шартномаси амалда бўладиган муддат давомида вақтинча фойдаланишда ижара тўловининг "ноль" ставкаси қўлланилади;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 майдаги ПҚ–4329-сонли қарорига асосан давлат кўчмас мулкидан телекоммуникация объектларини ўрнатишда фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкалари, оширилувчи коэффициентларни қўлламаган ҳолда, "симли электр алоқаси"дан фойдаланиш мақсади бўйича ставкага тенглаштирилган миқдорда қўлланилади.

ASLIGA TO'G'RI
TOSHKENT SHAHAR
HOKIMI MAHKAMASI

Тошкент шаҳар ҳокимининг
2020 йил «31» январдаги
100-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ижара тўловини (ижара тўловининг таянч ставкасини) ҳисоблаб чиқиш тартиби ва қўлланадиган коэффициентлар

Бинолар ва иншоотлар бўйича ижара тўловини (ижара тўловининг таянч ставкаси) ҳисоблаб чиқиш қуйидаги тарзда аниқланади:

Тс=Эс*Кз*(Кк+Кх+Ко),

бунда:

Тс - бир йилга бир кв. метр учун ижара тўловининг таянч ставкаси;

Эс - бир йилга бир кв. метр учун энг кам ставка;

Кз - ҳудудий зона коэффициенти;

Кк - қурилиш тури бўйича коэффицент (алоҳида турган бино, қўшимча қурилган бино, бинонинг юқори қисми, чердак, болохона, ярим ертўла, ертўла);

Кҳ - туташиб кетган ҳудуддан фойдаланиш коэффициенти;

Ко - тижорат мақсадларида фойдаланишда қулайлик коэффициенти (асосий автотранспорт йўллари бўйлаб жойлашиш, иккинчи даражали автотранспорт йўлларига чиқишда жойлашиш ва бошқалар).

Ижара ҳақи ставкаларига қўлланиладиган коэффициентлар:

1. Тошкент шаҳар ҳокимининг 2014 йил 13 январдаги “Ер солиғи тўлаш ставкаси бўйича зона чегараларининг схемаси ва таърифларини тасдиқлаш ҳақида”ги 41-сонли қарорида белгиланган чегараларга асосан, ҳудудий зоналар коэффициентлари (Кз):

Зоналар	Қўлланиладиган коэффициентлар
1-зона	4,11
2-зона	3,31
3-зона	2,51
4-зона	1,71
5-зона	1,0

ASLIGA TO‘G‘RI
TOSHKENT SHAHAR
HOKIMI MAHKAMASI

2. Бинонинг қурилиш тури бўйича коэффициентлар (Кқ):

Қурилиш тури	Қўлланиладиган коэффициентлар
алоҳида турган бино	1,0
бинонинг қисмида жойлашган ва/ёки тақаб қурилган	0,8
ярим ертўла, ертўла	0,6
чердак, болохона	0,5
реклама воситалари учун бино ва иншоотнинг фасад қисми	0,2

3.Туташиб кетган ҳудуддан фойдаланиш коэффициенти (Кх):

	Қўлланиладиган коэффициент
ер майдони мавжуд бўлганда	0,3

4.Тижорат мақсадида фойдаланишда қулайлик коэффициенти (Кт):

Қулайлик	Қўлланиладиган коэффициент
метро станциясидан 200 метр радиус оралиғида жойлашган	0,8
марказий қатнов кўчаларида жойлашган бино-иншоотлар	0,7
иккинчи даражали қатнов кўчаларида жойлашган	0,6

ASLIGA TO'G'RI
TOSHKENT SHAHAR
HOKIMI MAHKAMASI

Тошкент шаҳар ҳокимининг
2020 йил “ 31 ” январ даги
100 -сон қарорига
3-ИЛОВА

Тошкент шаҳридаги марказий қатнов кўчалари рўйхати*

1.	Абдулла Қодирий кўчаси
2.	Абдурауф Фитрат кўчаси
3.	Абай кўчаси
4.	Амир Темур шоҳ кўчаси
5.	Асака кўчаси
6.	Афросиёб кўчаси
7.	Аҳмад Дониш кўчаси
8.	Аэропорт ҳудуди
9.	Беруний кўчаси
10.	Бешёғоч кўчаси
11.	Бешқайрағоч кўчаси
12.	Бобур кўчаси
13.	Боғишамол кўчаси
14.	Бодомзор йўли кўчаси
15.	Бунёдкор шоҳ кўчаси
16.	Бухоро кўчаси
17.	Буюк ипак йўли кўчаси
18.	Буюк Турон кўчаси
19.	Гавҳар кўчаси
20.	Дархон кўчаси
21.	Дўрмон йўли кўчаси
22.	Зарафшон кўчаси
23.	Заргарлик кўчаси
24.	Заркайнар кўчаси
25.	Зиё кўчаси
26.	Зиёлилар кўчаси
27.	Зулфияхоним кўчаси
28.	Ислом Каримов кўчаси
29.	Истиқбол кўчаси
30.	Истиқлол кучаси
31.	Ифтихор кўчаси
32.	Қатортол кўчаси
33.	Катта Хирмонтепа кўчаси
34.	Кичик халка йўли кўчаси
35.	Қорасарой кўчаси
36.	Қорасув кўчаси
37.	Қоратош кўчаси
38.	Қумарик кўчаси
39.	Кўкча Дарвоза кўчаси
40.	Лабзак кўчаси
41.	Локомотив кўчаси
42.	Лутфий кўчаси
43.	Матбуотчилар кўчаси
44.	Махтумқули кўчаси
45.	Мирзо Улуғбек кўчаси
46.	Миробод кўчаси
47.	Муқимий кўчаси
48.	Мустақиллик майдони
49.	Мустақиллик шоҳ кўчаси
50.	Мухаммад Юсуф кўчаси
51.	Мухтор Ашрафий кўчаси
52.	Навоий кўчаси
53.	Назарбек кўчаси
54.	Нукус кўчаси
55.	Нурафшон кўчаси
56.	Ойбек кўчаси
57.	Оққўрғон кўчаси
58.	Октепа майдони
59.	Олмазор кўчаси
60.	Осиё кўчаси
61.	Охангарон кўчаси
62.	Паркент кўчаси

ASLIGA TO‘G‘RI
TOSHKENT SHAHAR
HOKIMI MAHKAMASI

63.	Сағбон кўчаси
64.	Самарканд Дарвоза кўчаси
65.	Себзор кўчаси
66.	Содик Азимов кўчаси
67.	Талабалар кўчаси
68.	Тарас Шевченко кўчаси
69.	Темур Малик кўчаси
70.	Туркистон кўчаси
71.	Уста Ширин кўчаси
72.	Фарғона йўли кўчаси
73.	Фаробий кўчаси
74.	Фарҳод кўчаси
75.	Фидокор кўчаси
76.	Фуркат кўчаси

77.	Чилонзор кўчаси
78.	Чоштепа кўчаси
79.	Чўпонота кўчаси
80.	Шароф Рашидов кўчаси
81.	Шастри кўчаси
82.	Шаҳрисабз кўчаси
83.	Шимолий Олмазор кўчаси
84.	Шота Руставели кўчаси
85.	Шўртепа кўчаси
86.	Юнус Ражабий кўчаси
87.	Янги Сергели кўчаси
88.	Янги Юнусобод кўчаси
89.	Янгишаҳар кўчаси
90.	Яҳё Ғуломов кўчаси

**Изох:* Ко - тижорат максадларида фойдаланишда кулайлик коэффициенти (асосий автотранспорт йўллари бўйлаб жойлашганлари).

ASLIGA TO'G'RI
TOSHKENT SHAHAR
HOKIMI MANKAMASI